

Ходимлар ойлик иш хақи.

№	Лавозими	Сони	Бир ойлик иш хақи (минг сўм)	Бир ойда (минг сўм)	Бир мавсумда -6 ой (минг сўм)
1	Бошлик	1	700	700	2 800
2	Хисобчи	1	700	700	2333 800
3	Ишчилар	2	700	1 400	5 600
	Жами :	4		2 800	11 200

Ишлаб чиқариш даромад ва харажатлари

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Мик - дори	Нархи (минг сўм)	1 ойда (минг сўм)	1 мавсум - 4 ой (минг сўм)
1	Ишчилар сони	Кисши	4	2 800	11 200
Шу жумладан					
Иш хақи фонди 12% ажратма	сўм			336	1 344
Иш хақи фондидан даромад солиғи 12 %	сўм			336	1 344
2	Бошқа харажатлар	сўм			14 198
Жами харажатлар	сўм				25 398
Махсулот сотувидан тушган маблағ					
1	Махсулот уруғи	кг	200	40	8 000
	Кўк масса	кг	70 тонна	900	63.000
Жами					71 000
2	Ягона солиғи 5 %	сўм			3 550
Соф фойда					42 052

Савдо-саноат палатасининг марказий аппарати

Тошкент ш 10047, А. Темур шох к. 4
Тел: 71 150-60-06
Ишонч телефон 1094
Web-site: www.chamber.uz
E-mail: info@chamber

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус ш. А.Темур к. 112 А уй
Тел: (0-361) 770-71-01
Факс: (0-371) 770-71-01
E-mail: qr@chamber.uz
Web-site: qr.chamber.uz

Андижон вилояти

Андижон ш. А.Навоий к. 122 уй
Тел: (0-374) 298-11-01
Факс: (0-374) 298-11-01
E-mail: an@chamber.uz
Web-site: an.chamber.uz

Бухоро вилояти

Бухоро ш. Мустақиллик к. 1А уй
Тел: (0-365) 770-11-01
Факс: (0-365) 221-59-06
E-mail: bx@chamber.uz
Web-site: bx.chamber.uz

Жиззах вилояти

Жиззах ш. Ш.Рашидов к. 14 уй
Тел: (0-372) 771-11-01
Факс: (0-372) 226-24-47
E-mail: jz@chamber.uz
Web-site: jz.chamber.uz

Қашқадарё вилояти

Қарши ш. Мустақиллик к. 22 уй
Тел: (0-375) 771-11-01
Факс: (0-375) 227-78-16
E-mail: qr@chamber.uz
Web-site: qr.chamber.uz

Навоий вилояти

Навоий ш. Меъморлар к. 33 уй
Тел: (0-436) 770-31-01
Факс: (0-436) 770-31-01
E-mail: nv@chamber.uz
Web-site: nv.chamber.uz

Наманган вилояти

Наманган ш. У.Носир к. 7 уй
Тел: (0-369) 227-21-01
Факс: (0-369) 227-27-54
E-mail: na@chamber.uz
Web-site: nm.chamber.uz

Самарқанд вилояти

Самарқанд ш.
А.Навоий к. 58 уй
Тел: (0-366) 210-11-01
Факс: (0-366) 210-11-01
E-mail: sn@chamber.uz
Web-site: sn.chamber.uz

Сурхондарё вилояти

Термиз ш.
Ат-Термизий к. 2 уй
Тел: (0-376) 298-11-01
Факс: (0-376) 298-11-01
E-mail: sd@chamber.uz
Web-site: sx.chamber.uz

Сирдарё вилояти

Гулистон ш.
Қаҳрамонлар к. 1 уй
Тел: (0-367) 235-02-81
Факс: (0-367) 235-02-81
E-mail: sr@chamber.uz
Web-site: sr.chamber.uz

Тошкент вилояти

Тошкент ш.
Қора-су йўли к. 118 уй
Тел: (0-371) 202-21-21
Факс: (0-371) 150-91-01
E-mail: tv@chamber.uz
Web-site: tshv.chamber.uz

Фарғона вилояти

Фарғона ш.
Б.Марғилоний к. 58 уй
Тел: (0-373) 244-52-87
Факс: (0-373) 244-60-02
E-mail: fa@chamber.uz
Web-site: fr.chamber.uz

Хоразм вилояти

Урганч ш.
Баходирхон к. 183 уй
Тел: (0-362) 770-51-01
Факс: (0-362) 770-51-01
E-mail: xz@chamber.uz
Web-site: xz.chamber.uz

Тошкент шаҳри

Тошкент ш.
Шахзисабз к. 142 уй
Тел: (0-371) 236-25-47
Факс: (0-371) 236-03-53
E-mail: th@chamber.uz
Web-site: th.chamber.uz



O'ZBEKISTON
SAVDO-SANOAT
PALATASI

ЎЗБЕКИСТОН

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ



БУЮК

КЕЛАЖАКНИ

БИРГА

ҚУРАМИЗ!

Стевия - *Stévia*



Стевия - *Stévia* ўсимлиги Ўзбекистонга хаваскор ботаниклар томонидан олиб келинган. Хусусан, унинг дамламасидан олинадиган стевиозид моддаси шакардан 150 баробар ширин. Стевиозидни қайта ишлаш натижасида олинадиган ребадиозид моддаси 300 баробаргача тотли. Шунингдек, у ўта шифобахш ҳамдир. Яъни унинг ширинлик даражаси юқори бўлса-да, қандли диабет билан хасталанган беморларнинг ширинликка бўлган чанқоғини қондиришда қўл келади. Ваҳолонки, бундай беморларга ширинлик мумкин эмас. Ўзига хос парадоксни қарангки, стевия ширинлиги бунга ҳалақат бермайди. Қолаверса, у инсон иммунитетини оширади. Қон босимини меъёрлаштиради. Антиаллергин, антисептик ва антиоксидантлик таъсири бор. Асосийси, -истеъмолда меъёри чексиз. Инсон организми учун салбий таъсири қузатилмайди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан дамлама сифатида тавсия қилинган.

Ўстириш технологияси

Ватани жанубий Америка бўлганлиги сабабли стевия ўсимлигини Ўзбекистонда уруғи билан кўпайтириб бўлмайди. Чунки у қисқа кунли ўсимлик, уруғи бизнинг узун кунли шароитимизда тўлиқ пишиб етишишга улгурмайди. Шунинг учун уни уруғидан кўпайтиришга нисбатан қаламчалардан кўпайтириш осон. Иссиқхонада эни 120 см, узунлиги эса шароитга қараб белгиланган, ердан 80 - 100 см баландликдаги яшиклар қурилади. Унинг икки томонидан юриш учун йўлақлар қолдирилади. Яшикдаги тупроққа иссиқлик тарқатиш учун узунасига диаметри 40-45 мм ли қувурлардан 2 ёки 3 қатор ётқизилади, сўнгра 8-10 см қалинликда чириган гўнг, устидан 5-6 см қалинликда ювилган соф йирик қум солинади. Қум яхшилаб намиқтирилади. Яшикнинг икки

ён томонидан диаметри 15-20 мм ли қувурлар, қувурларга эса пуркагичлар ўрнатилади. Пуркагичлар махсус насос ёрдамида ишлатилади. Ҳар 80-90 см оралиқда темирдан яшикка мослаштириб ясалган ёй ўрнатилади. Ёйнинг юқори қисмидан узунасига 5 қатор сим тортилади. Устига бир қават каноп шолча, унинг устидан полиэтилен плёнка ёпилади. Қаламчалар қуйидаги усулда тайёрланади: яшиклар ичига чириган, тозаланган гўнг солиниб, устига полиэтилен плёнка билан беркитилади. Плёнка ичига 70-80 см баландликда махсус ёриткич лампа ҳар 1,5-2,0 м оралиқда ўрнатилади. Чунки улар ультрабинафша нурлар беради ҳамда маълум даражада иссиқлик тарқатади. Тайёрланган яшикка стевия ўсимлигининг бир – уч йиллик томирли оналик ўсимлиги экилади ва ундан қаламчалар тайёрланади. Плёнка ичидаги ёриткич эрталаб соат 6:00 - 9:00, кечкурун 18:00-23:00 ёкилади. Бўйи 10-15 см бўлган оналик ўсимлигидан қаламчалар олиш мумкин. Бунинг учун уни ҳар бир шоҳида пастки икки бўғими қолдирилиб, ўткир лезвия ёки қайчи -билан кесиб олинади ва ўсиш нуқтаси юқorigа қаратилган ҳолда челақдаги совуқ сувга солинади. Экилган қаламчалардан тезроқ томирчалар ҳосил бўлиши учун, улар махсус ўстирувчи моддалар (ИУК-индолилуксус кислота) билан ишланади ва яшикдаги қумга 2-3 см чуқурликда 5x3 ёки 4x2 см қилиб экилади. Қиш куз фаслларида туманли қурилмага экилган қаламча 18-20 кунда илдиз чиқаради. Стевия қаламчасини туман ҳосил қилиш қурилмасидаги қумга экилган пайтдан ҳисобланганда 20 кун ўтгач далага экиш учун тайёрлаш, яъни чиниктириш бошланади. Чиниктириш учун қаламча қурилма ичидаги юқори ҳаво намлигидан табиий ҳаво намлигига ва куёшнинг ультрабинафша нурига ўргатилади. Чиниктириб тайёрланган қурилмада ўсаётган стевия кўчатини махсус юмшаткич ёрдамида тубини юмшатган ҳолда эҳтиёткорлик билан юқorigа кўтариб, сўнгра суғириб олиш лозим. Кўчатни экишдан олдин ерни яхшилаб текислаб, чириган гўнг солган ҳолда чизеллаш ва бороналаш зарур. Тупроқ ҳарорати 14-15°C бўлганда эгат олиниб, экишга киришиш мумкин. Иқлим шароитига ва тупроқнинг механик таркибига қараб стевия ниҳолини қуйидаги схемада экишни тавсия қиламиз: 90x15-1; 90x20-1; 70x20-1 60x25-1.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши

Стевия, бўйи 1 метргача етадиган бир йиллик ўсимлик. Унинг барглари оддий, пояда қарама-қарши шаклда жойлашган, узунлиги 2-3 см етади. Барг япроғининг юзаси силлик, олди томони қалами ҳолда жойлашган. Гуллари 3-4 мм узунликдаги 6-7 дона оқ мураккаб тўпгулда йиғилган. Меваси 3-4 мм. Сентябрь – ноябрь ойлари

гуллайди. Уруғлари октябрь-ноябрь ойларида пишиб етилади.

Ишлатилиши

Баргларининг таркибида ширин таъм берувчи дитерпеноид (стевиозид) гликозиди мавжуд. Стевиозид моддаси 0,4 % ли сахароза эритмасидан 300 баробар, 10 % ли шакар эритмасидан эса 150 баробар ширинроқдир. Бундан ташқари, таркибида флавоноидлар (кверцетин, рутин), минерал моддалар – (кальций, фосфор, калий, рух, темир, хром, магний, селен, мис, марганец, кобальт), ҳамда витаминлар (В гуруҳи, А, С, Е ва. х.к.) мавжуд. Стевия ўсимлиги организмга умумий қувват ва мустақамловчи сифатида таъсир этади. Ўсимлиқнинг таркибидаги моддалар тишларда ёғ ва бошқа моддалар тўпланишига йўл қўймайди. Бу эса тиш эмалини микроблар томонидан емирилишини олдини олади. Стевия қондаги қанд (шакар) миқдорини назорат қилади ва инсулин гармони фаолиятига қўмаклашиб, организмни қанд билан таъминлашда қатта аҳамият касб этади. Стевия ўсимлиги таркибидаги биологик фаол модда - гликозид (стевиозид) организмда табиий озукка ўрнини босувчи воситалардан биридир. Шунингдек стевия маҳсулотлари, қандли диабет, организмда ортиқча ёғларни тўпланиши ҳамда метаболик жараёнларни бузилиши билан боғлиқ бўлган касалликларда қўлланилади. Бундан ташқари гипотензив (қон босимни пасайтиради), кардиотоник, антибактериал, антифунгал, антивирус, диуретик, тоник ҳамда яраларни даволашда самарали восита сифатида қўлланилади.

Пул маблағини йўналтириш

Т/р	Сотиб олинадиган мулк ва хом ашёлар	Миқдор	Ер майдони	Сотиб олиш баҳоси (минг сум)	Жами Суммаси (минг сум)
1.	Стевия кўчати	80 000	1га		10 000
2.	Органик ўғит	10 тонна	1га	0,125	1 250
3.	Фосфорли ўғит	100 кг	1га	2,1	210
4.	Азот ўғит	130 кг	1га	2,1	273
5.	Калийли ўғит	50 кг	1га	6,3	315
6.	Ер ҳайдаш	1 марта	1га	300	300
7.	Культивация	3 марта	1 га	50	150
8.	Суғориш	7 марта	1га	100	700
9.	Бошқа харажатлар				1 000
	Жами:				14 198